



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 19 июнь, № 124 (9019)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН ШАРОИТДА ЯШАШГА МУНОСИБ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожини ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида 18 июнь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманига ташриф буюрди ва «Тошкент-Шарқий» аэропорти қурилишини кўздан кечирди.



Мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва унинг халқро жозибадорлиги охиши билан ташқи иқтисодий алоқалар фаоллашиб, инвестициялар оқими кўпаймоқда. Бундай шароитда Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасининг барча йўналишини модернизация қилишга ўсишнинг асосий омилли сифатида устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири «Тошкент-Шарқий» аэропорти реконструкция қилишдир. У юқори халқро стандартларга жавоб берадиган тез, хавфсиз ва қулай қатновларни таъминлаш, шунингдек, пойтахтнинг асосий халқро аэропортига юкларни енгиллаштиришга мўлжалланган.

Авалло, 4 километр узунликдаги учиниш йўлига янгиланиб, энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди.

Ҳозирги кунда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда бизнес-авиация учун 2 та терминал, перрон ва ангарлар барпо этилмоқда. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиниш-қўнишни таъминловчи ИСАО III-A тоифасидаги илғор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Ёпиқ ангарларда самолётлар соз ва хавфсиз сақланиши учун замонавий шароитлар таъминланади.

Маъмур аэропорт қулай жойлашуви тўғрйли пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабиға айланади, шунингдек, Тошкент вилоятда туризмни ривожлантириш учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, халқро ташрифлар ва ишбилармонлик сафарларини

амалға ошириш имкониятлари кенгайди, хорижий инвесторларни қабул қилиш учун шароитлар яхшиланади. Натижада иқтисодий фаоллик ошади, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, янги иш ўринлари яратилади, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги сезиларли даражада ошади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг техник хусусиятлари, терминалларнинг архитектуравий ечими билан танишиб, қурилиш ишларини жадаллаштириш, сервис даражасини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Паркент туманига ташрифини дастлабки манзили «Паркентсой» тураржой массиви бўлди.

Ҳудудларни «ўсиш нуқталари»га таяниб ривожлантириш, аҳолиға муносиб турмуш шароитлари яратиш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Бундай ўзгаришлар Паркент туманида ҳам намоён.

Туман марказидан оқиб ўтувчи Паркентсой қирғоғида қурилаётган ушбу массивни экошаҳар дейиш мумкин. Унинг умумий майдони олти гектар бўлиб, жами 5 минг 200 хонадонли 125 та кўп қаватли тураржой қурилади. Улар барча замонавий коммунал тармоқлар, энергия тежамкор технологиялар билан таъминланади. Жумладан, уйлар тепасига геокolleкторлар ўрнатилиб, сув иситишда фойдаланилади.

Аҳоли нисбатан зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим иқтимоий аҳамиятга эга. Уйларнинг шинамлиги ва таннархи халқимизға мос. Бу айрим маҳаллаларда

бир ҳовлида қисилишиб яшаётган оилалар учун аини муддао бўлади.

Давлатимиз раҳбари маъмур янги хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди.

Бу ерда, шунингдек, иккита мактаб, саккизта боғча, болалар майдончалари, 10 гектарлик парк, суғий қўл, сайилгоҳ ва велойўлақлар барпо қилинади. 17 километр ички йўллар таъмирланади.

Массив нафақат обод турмуш учун, балки тадбиркорлик учун ҳам шароит яратади. Бу ерда 58 та нотура бино қад ростлайди. Уларда савдо ва хизмат корхоналари жойлашиб, 700 дан ортқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туманни янада ривожлантириш чоратадбирлари бўйича тақдирот билан танишди.

Бу борадаги муҳим лойиҳа — «Байтқўрғон — Паркент» электрлаштирилган темир йўли. Ҳозирда унинг қурилиши жадал кетмоқда. Қарийб 24 километрлик бу йўл фойдаланишга топширилган, Паркентдан пойтахтимизға бориш учун катта қулайлик яратилади, туманнинг хушманзара гўшаларига суҳатға келиш осонлашади. Унда кўнға 275 минг нафаргача йўловчи ташилиши ҳисоб-китоб қилинган. Умуман, бунинг натижасида қатнов ва тадбиркорлик фаоллашиб, Паркент иқтисодиётининг сурьати жадал ошади.

Паркентсойни тартибға келтириш, қирғоқларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам иш олиб борилмақда. Биринчи босқичда сойнинг 4 километр қисми тўлиқ бетонлаштирилди. Бу янги

бунёдкорликларға йўл очди. Хусусан, сой бўйлаб қарийб беш километрлик янги йўл қурилди. У ҳозир туман марказидан ўтган асосий кўчаға ёндош бўлиб, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўтказиш қувватиға эга. Бу транспортлар юкларининг бир қисмини ўзиға олиб, марказда тирбандликни камайтиради. Шунингдек, пиёдалар йўлакчаси, йўлўтказгич ва кўприк барпо этилган.

Энди, иккинчи босқичда Кумушқонгача бўлган ўзанлар тартибға келтирилиб, очиладиган 100 гектар ерда туризм объектлари ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз шу ерда паркентлик фаоллар билан суҳбатлашди.

— Бизнинг энг катта бойлигимиз юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишталиги. Тинчлик барқарор бўлса, мана шундай бунёдкорлик бўлади, режалар амалға ошади. Давлат ташкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзаға чиқариб, ҳамма ҳудудларни ривожлантиришға ҳаракат қиламиз. Паркентға ҳам истиқлол шабадаси, ислохотлар натижаси етиб келганини кўриб, хурсанд бўлдим. Халқимиз мана шундай фаровон шароитда яшашға муносиб, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуронийлар туман ривожини учун яратилаётган улкан имкониятлар, аҳоли ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, меҳнатидан бахт топаётган инсонлар ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Паркент туманидаги Кумушқон маҳалласида бўлиб, сайёҳлик салоҳияти ва меҳмон уйлари кўздан кечирди.

Бу соҳаға кўплаб имтиёзлар берилиб, ташаббуслар кўлаб-қувватланмоқда. Туризм қишлоқларида зарур инфратузилма ташкил этилапти. Бу имкониятлардан фойдаланиб, хонадонда меҳмон уйи очганлар талайгина. Охириги йилларда Кумушқонга сайёҳлар келиши кўпайган. Бугунги кунда саксондан ортқ хонадонларда меҳмонхона ташкил этилган. Уларда йилиға 172 минг нафар сайёҳға хизмат кўрсатилмоқда.

Шундай тадбиркорлардан бири Олим Юсупов сой бўйидаги ҳовлисида 48 ўринли меҳмон уйи очган. Хоналар миллий услубда, шинам қилиб жиҳозланган. Меҳмон уйи йилиға 2 мингдан зиёд сайёҳларға хизмат кўрсатади.

Президентимиз бу ердаги ободлик ва омилкорлиқни кўриб, шундай лойиҳаларни бошқа сўлим масканларда ҳам ташкил этиш кераклигини таъкидлади. Тадбиркорларға зарур маблағ ажратиб, қўшимча хизматлар ташкил этишига қумаклашиш бўйича мутасаддиларға кўрсатма берди. Маҳаллаларда ички имкониятларни юзаға чиқариш аҳолини банд қилишда катта манба экани қайд этилди.

Бу жойларға сайёҳлар сўлим манзаралардан баҳраманд бўлиш учун келади. Шунингдек, Масжиддаги зиёратгоҳи ҳам диққатға сазовор жойлардан бири.

Тошкент вилоятида мингға яқин шундай меҳмон уйлари бор. Уларда 2 минг 500 та иш ўрни яратилган.

Президентимиз Паркент туманидаги интенсив боғда сархил мевалар ҳосилини кўздан кечирди.

«Meridian Tempo» корхонасига қарашли ушбу 54 гектар боғда гилос, олма, нок ва малинанинг экспортбоп навлари экилган. Қўчатлар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахтлар ўзини ўзи чанглатиш хусусиятиға эга. Бу ҳосилдорлик юқори бўлишида муҳим ўрин тутди.

Замонавий агротехнологик тизимлар орқали боғда тўлиқ томчилятиб сугориш жорий этилган. Авал сув махсус ҳавзада тўпланади ва табиий нишаблик орқали сугорилади. Бунға энергия сарфланмай, натижада қаражат ва махсулот таннархи камаяди. Шунингдек, боғда қуёш панеллари ўрнатилган.

Пишиб этилган мевалар экспортға йўналтирилмоқда. Бу йил 256 тонна гилос, 500 тонна олма, 480 тонна нок, 30 тонна малина етиштирилиши мўлжалланган. Энг муҳими, бундан келадинг даромад бошқа аънавий ўсимликларға нисбатан бир неча баробар юқори.

Президентимиз мутасаддиларға бу усулни омалаштириш, меваларни парвариллаш ва қадоклаш бўйича чет эл тажрибасини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Паркент туманига ташриф давомида «Олтин бел» чўққисидиға дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишди.

Хушманзара тоғ бағридаги 3 гектар жойда қурилган ушбу меҳмонхоналар ихчамлиги ва ҳамёнбоплиги билан ажралиб туради. Ҳозирда жами 188 ўринли 2 та меҳмонхона, капсула шаклидаги уйлар, ресторан ва ҳўжалик бинолари барпо этилган. Кейинги босқичда яна 20 та шундай уй қурилиши мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Умуман, ҳудудда туризмни ривожлантириш мақсадида қиймати 1 миллиард 800 миллион доллар бўлган 52 та лойиҳа амалға оширилади. Натижада 3 минг 300 та иш ўрни яратилади ва 1 миллион нафар сайёҳға хизмат кўрсатилади.

Паркентнинг қорли тоғлари яна бир улкан лойиҳани амалға ошириш имконини бермоқда. Бу ерда Австрия компанияси томонидан 1 минг 200 гектарда тоғ-чанги курорти қуриш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа ҳақида ахборот берилди. Унинг доирасида 3, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар, чанги учиниш ва осма дор йўли, шалелар, пикник майдони, ресторанлар, соғломлаштириш хизматлари ташкил этилади.

Лойиҳа уч босқичда амалға оширилади ва тўлиқ қувватда кунига 15 минг нафар сайёҳни қабул қилиш имконига эга бўлади. 600 га яқин сер-

вис мажмуалари ташкил этилади. Мавсумий хизматлар билан бирға 10 мингға яқин иш ўрни яратилади. Умуман, бу маскан, Бўстонлиқдаги «Амирсой» курорти каби, Тошкент вилоятининг йирик туризм манзилларидан бириға айланади.

Мутахассислар билан мулоқотда лойиҳани такомиллаштириш, хизматлар қамровини кенгайтириш ва қурилишни тезлаштириш тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманидаги «Бату Экспорт» корхонасини бориб кўрди.

15 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан ташкил этилган маъмур замонавий лойиҳа доирасида йилиға 5 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланади. Тошкент вилоятидан ташқари Самарқанд ва Фарғонадан ҳам махсулотлар келтирилади.

Корхонаға Япония, Германия, Бельгия, Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу махсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада 180 та доимий иш ўрни яратилган, улар ўртача 7 миллион сўмгача ойлик маош олапти.

Бу ерда тайёрланган махсулотлар Хитой, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирикларни, Европа ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашди.

— Мева-сабзавотчиликда Паркентнинг имкониятлари катта. Технология олиб келиб, жаҳон бозорига сархил ва қурилган меваларни экспорт қилиш салоҳиятимиз бор. Биргина Японияни олсак, Ўзбекистон махсулотларига қизиқиш юқори. Фақат меваларни яхши парвариллаш, сифатли етказиб бериш зарур. Бундай корхоналарни ривожлантирсак шу тармоқнинг ўзидан бир неча миллилар доллар даромад олиш мумкин, — деди Президент.

Шу ерда Тошкент вилоятининг экспортбоп қишлоқ ҳўжаллиги махсулотлари кўздан кечирилди. Ўтган йили вилоятдан 130 миллион долларлик мева-сабзавот махсулотлари экспорт қилинган. Лекин ҳудуд табиати ва салоҳиятиға нисбатан бу кам.

Соҳада экспорт қилувчи корхоналарни кўлаб-қувватлаш мақсадида 7 турдаги молиявий ёрдам ва 3 хил солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар жорий этилган. Тошкент вилоятида мева-сабзавотни қайта ишловчи 175 та корхона бўлиб, қайта ишлаш даражаси йил сайин ортмоқда. Жорий йилда экспорт кўрсаткичини жадал ошириш режалаштирилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Бекруз ХУДОЙБЕРДИЙ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида «Мўғулистон — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Сухбаатар Эрдэнэбат бошчилигидаги делегация билан онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамлаиб бораётгани таъкидланиб, улар тарихий асосларга эга эканлиги ҳамда ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлашлариға биноан ривожланаётгани қайд этилди.

Шу билан бирға, Ўзбекистон ва Мўғулистон парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда

олий даражада эришилган келишувлар ўз вақтида ва сифатли баҳариллиши устидан биргаликдаги парламент назоратини йўлга қўйиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқотда 2025-2026 йилларға мўлжалланаётган парламентлараро ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси» лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди ва ушбу йўналишда аниқ вазибалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида «Марказий Осиё — Хитой» иккинчи саммити бўлиб ўтди. Айтиш керакки, ушбу саммит эришилган ютуқлар таҳлили ва минтақа ривожини учун навбатдаги «Йўл харитаси» белгилаб олиниши нуқтаи назаридан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Сир эмас, Марказий Осиё геосийсий жойлашув борасида гоят муҳим, аммо тарихан қийин логистика шароитига эга минтақадир. Денгизга чиқиш йўли бўлмаган, рельефи мураккаб ва чўллар билан ўралган бу ҳудудда транспорт тармоқлари узок вақт давомида етарлича ривожланмаган. Совет иттифоқи даврида қурилган инфратузилма эса бугунги глобал савдо ва тезкор етказиб бериш талабларига жавоб бермайд.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва

Қирғизистон каби мамлакатлар ўз товарларини экспорт қилиш учун асосан темир йўл, автомобиль йўллари ҳамда нефтьгаз қувурларига таянади. Аммо бу инфратузилманинг узоклиги ва самарасизлиги савдо харажатларини оширади, рақобатбардорлиқни пасайтиради ҳамда минтақадаги иқтисодий интеграция жараёнларини секинлаштиради.

Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббуси айнан шу муаммолар ечими сифатида кўрилмоқда. Бу ташаббус дои-

расида Хитой Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда стратегик транспорт йўлақларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилишға киришди.

Сўнгги ўн йил ичида бу лойиҳалар нафақат географик алоқаларни яхшилади, балки минтақалар ўртасидаги ишонч ва иқтисодий шериклиқни ҳам мустаҳкамлади. Улар орасида энг катта ва рамзий аҳамиятға эга бўлган лойиҳа — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли. 2024 йилда расман қурилиши бошланган ушбу темир йўл лойиҳаси кўп йиллик музокаралар, техник ва сиёсий келишувлар натижасидир. У Қирғизистон орқали Хитойни тўғридан-тўғри Ўзбекистон билан боғлайди. ➡ 3

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР

Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини ўзаро ҳурмат, ишонч ва ўзаро ёрдамға асосланган кўп асрлик дўстлик ва шериклик ришталари боғлаб туради. Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан умумий савдо айланмаси ўсиб бораётгани алоҳида эътиборға молик.

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Хитой» иккинчи саммитида давлатимиз раҳбарининг иштироки ҳамда кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришға оид тақлифлари минтақа давлатлари ва Хитой ўртасидаги истиқболли ҳамкорлиқни ривожлантиришға қучли туртки беради, десак, аниқлишмаймиз.

Бинобарин, маъмур саммит доирасида Марказий Осиё мамлакатлари билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, хавфсизлик ва маданий-гуманитар со-

ҳалардаги стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилиб, минтақавий ва халқро аҳамиятға молик долзарб вазибалар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё очилаётган имкониятларни биргаликда оширишға қодир бўлган янада жипс минтақаға айланди ва «Марказий Осиё руҳи» пайдо бўлди.

Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан умумий савдо айланмаси жорий йилда 100 млрд. долларға етди. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони 10 мингдан ошди. ➡ 3

Муносабат

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС

Аҳамиятлиси, лойиҳа уч давлат учун ҳам бирдек муҳим. Хусусан, Хитой учун Европага чиқишнинг яна бир қисқа, хавфсиз ва самарали йўли бўлса, Қирғизистонга транзит салоҳияти орқали иқтисодий фаоллиқни ошириш имкониятидир. Ўзбекистонга эса денгизга чиқмасдан туриб, халқаро бозорларга тўғридан-тўғри етишиш имконини беради.

Бундан ташқари, бу йўл Европа ва Хитой ўртасидаги темир йўл йўлагини 900 километрга қисқартиради, етказиб бериш вақтини камида 7 кунга камайтиради ва логистика хара-

жатларини 30 — 40 фоизгача туширади.

Мазкур йўл нафақат уч давлат, балки бутун Марказий Осиё учун транспорт жихатдан янги имконият эшигини очади. Хар бир янги темир йўл станцияси ва логистика маркази маҳаллий иқтисодиёт, иш ўринлари ва савдо айланмасининг ўсиши, демакдир. Ушбу тармоқ Туркманистон, Тожикистон ва Озарбайжон каби ҳудудларни ҳам глобал йўлақларга боғлаши мумкин.

Шуни айтиш керакки, бу каби алоқалар минтақадаги иқтисодий интеграцияни қучайтириб, давлатлар ўртасида-

ги ўзаро боғлиқлиқни оширади. Хавфсизлик, барқарорлик ва сиёсий ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратади.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли шунчаки логистика лойиҳаси эмас, балки минтақадаги геосиёсий векторни белгилайдиган йўналиш ҳисобланади. У Марказий Осиёни глобал алоқалар марказига айлантириш сари ташланган муҳим қадам бўлиши билан ҳам аҳамиятли.

Кобулжон ТУСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси раиси
ўринбосари.



КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР

Бунга сабаб бир томондан ишонч, яхши кўшничлик ва шериклик маконига айланган Марказий Осиёнинг ўзидagi чуқур трансформация жараёнлари бўлса, бошқа томондан, Хитой раҳбариятининг кўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда “Белбоғ ва йўл” глобал концепциясини илгари суришга қатъий содиқлиги ҳамкорлиқнинг ривожланишида асосий омил бўлди.

Маълумки, Хитойнинг Ўзбекистон умумий савдо айланмасидаги улуши 2024 йилда 18,9 фоизни, импортдаги улуши 26,8 фоизни ва экспортдаги улуши 7,6 фоизни ташкил этди. 2017 — 2024 йилларда Ўзбекистоннинг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми 2,6 баробар, 4,8 млрд. доллардан 12,5 млрд. долларга ошган. Аини даврда экспорт 2,03 млрд. доллардан 2,05 млрд. долларгача, яъни 1,5 фоиз ўсди. Импорт эса 2,7 млрд. доллардан 10,4 млрд. долларгача, яъни 3,8 баробар кўпайди.

Хитойнинг илгор тажрибаси асосида мамлакатимизда саноат салоҳияти ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, ҳудудларимизда иш ўринларини яратишга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2024 йил ҳолатига кўра, Хитойдан Марказий Осиё мамлакатларига йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитларнинг умумий ҳажми 24 млрд. доллардан ошган. Хитой инвестицияларининг катта қисми Қозғистонга (15,5 млрд. доллар) ва Ўзбекистонга (7,2 млрд. доллар) тўғри келади.

Марказий Осиё мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш билимлар билан алмашish ва технологиялар трансферининг самарали механизmlарига эга бўлган умумий кенг имкониятлар макони пайдо бўлишига олиб келади. Янги иқтисодий шериклик дастурининг қабул қилини-

ши ушбу йўналишда яна бир амалий қадам бўлади.

Президентимиз томонидан ушбу дастурни аниқ вазифалар билан тўлдириш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириш учун бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича минтақаларо кенгаш таъсис этиш таклифи илгари сурилди ва унинг биринчи учрашувини шу йил охирига қадар Ўзбекистонда ўтказиш таклиф этилди.

Саноат соҳасидаги ва инфратузилмалар боғлиқлиқнинг кучайиши мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради. Шу мақсадда “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилмавий белбогини яратишга қаратилган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди ва унинг биринчи учрашувини шу йил охирига қадар Ўзбекистонда ўтказиш таклиф этилди.

Саммитда транспорт ва транзит йўлақларини диверсификация ва инфратузилмани модернизация қилиш, саноат кооперациясини қучайтириш ва қўшма технология лойиҳаларни амалга ошириш, рақамли технологиялар, “яшил” энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқот алоқаларини кенгайтириш, ёшлар, таълим ва маданият алмашинувларини қучайтириш йўналишларида ҳам таклифлар илгари сурилди.

Умуман, “Марказий Осиё — Хитой” механизми ҳамкорлиқнинг янги модели бўлиб, бу формат халқаро ҳамжамиятга минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланишни намоиш этиш билан бирга, жаҳон иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ЎЗАРО ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

17 июнь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги алоқаларда янги саҳифа очилди. “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ушбу саммит минтақавий шериклиқни чуқурлаштириш ва стратегик ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Саммитнинг энг муҳим натижаларидан бири — мамлакатлар ўртасида Абдий яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилиниши бўлди. Бу тарихий ҳужжат минтақа давлатлари ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг келгуси ривож учун мустаҳкам асос яратади.

Давлатимиз раҳбари саммитда Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан умумий савдо айланмаси изчил ўсиб бораётганини таъкидлади. Жорий йилда бу кўрсаткич 100 млрд. долларга етиши кутилмоқда, қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 10 мингдан ошади. Мазкур рақамлар ҳамкорлиқнинг нақадар жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Шартномани амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Узоқ муддатли шериклик концепциясини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Шунингдек, янги иқтисодий шериклик дастурининг тезроқ қабул қилиниши бу йўналишда яна бир амалий қадам бўлади. Ушбу дастурни аниқ вазифалар билан тўлдириш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириш учун мамлакатлар бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича минтақаларо кенгаш таъсис этиш таклифи қилинди. Унинг биринчи учрашувини жорий йил охирига қадар Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлик билдирилди.

ва замонавий транзит инфраструктураларининг ягона харитасини шакллантириш имконияти мавжуд бўлади.

Маданий алмашув ва ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли портални яратиш таклифи билдирилди. Бу Марказий Осиё ва Хитойнинг маданий бойлиқларини бирлаштириб, кенг фойдаланиш имконини яратади. Профессинал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, университетлар ректорлари форумларини ўтказиш, илмий академиялар ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш орқали умумий илмий-таълим платформаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Саммитда Афғонистон муаммосига халқаро эътиборнинг камайиши жиддий хавотир уйғотаётгани қайд этилди. Чунки у Марказий Осиёнинг тарихий-маданий ва иқтисодий маконининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари доирасида Афғонистоннинг тикланиши ва интеграциясига қўмаклашиш учун Термизда юқори даражадаги гуруҳ йиғилишини ташкил қилиш таклифи этилди.

“Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити минтақавий ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқди ва узоқ муддатли стратегик шериклик учун мустаҳкам замин яратди. Қабул қилинган қарорлар ва илгари сурилган ташаббуслар минтақанинг барқарор ривожланиши ҳамда фаровонлигига хизмат қилади.

Зиёдбек ЮНУСОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

БУХОРО
томонларда

Иссиқлик таъминотида энди муаммо бўлмайди

“Бухорознергомарказ” акциядорлик жамияти томонидан 202 та кўп қаватли уй ҳамда 32 та ижтимоий соҳа объектида индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди. 5,5 километр узунликдаги магистраль сув қувурлари замонавийсига алмаштирилди.

Бу юмуш мамлакатимиз ҳамда Жаҳон банкининг “Анджон, Чирчиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида бажарилди. Лойиҳанинг сўнгги босқичида эса тўртта замонавий иситиш қозони ўрнатилди.

Йирик лойиҳа шарофати билан хизмат сифати ошири, “Бухорознергомарказ” билан истеъмолчи ўртасидаги англашилмовчиликлар барҳам топиши кутляпти. Чунки илгари, хусусан, қишки мавсумда хизмат сифатидан норозилар кўп учрарди.

Қўшма лойиҳа табиий газ сарфини йилига 30, электр энергиясини 25, ичимлик сувини эса 60 фоизга тежаш имконини беради.

Янги аэропортга равон йўл орқали



Бухоро тумани ҳудудида янги халқаро аэропорт қурилмоқда. Умумий қиймати 226 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга ошгач, соатига 1 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бу ҳозир фаолият кўрсатиб турган “Бухоро” аэропорти имкониятидан уч баравар кўп.

Табиийки, янги ҳаво бандаргоҳи замонавий инфратузилмаси билан ҳам ажралиб туради. Бу, аввало, аэропортга элтадиган йўлга боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда 33 километр масофада автомобиль йўли барпо этилмоқда. Бу юмушни “Ромитан туман йўллардан мунтазам фойдаланиш” давлат корхонаси жамоаси рисоладагидек бажаряпти. Объектда замонавий техника воситалари ёрдамида йўл асосини тайёрлаш, шагал тўкиш, текислаш, тупроқни тигизлаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Очиқ кутубхона» — мутолаа учун қулай



Ёзги таътилни жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарларини мутолаа қилиш билан янада мароқли ўтказиш мумкин. Шу мақсадда Фиждувон туманидаги 24-умумтаълим мактаб жамоаси “Очиқ кутубхона” ташкил этди.

Ҳозирча жавондан 150 та бадий китоб ўрин олган. Уларни ўғил-қизлар келиб ўқигани олиб кетади. Фақат кичик бир шарти бор: китоб албатта қайтарилиши керак. Китобхоналarga “Очиқ кутубхона”ни бойитиш ҳам тавсия қилинмоқда. Демак, хоҳлаган киши бу ерга китоб ҳада этиши ҳам мумкин.

— Жавонингиздаги китобларни бошқаларга, айниқса, ёшларга илиниш замирида катта ҳикмат бор, — дейди вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Ирода Орипова. — Чунки китоб киши ҳаётини яхши томонга ўзгартириб, дунёқарашини кенгайтиради, ақл-идрокини чархлайди. Фиждувондаги 24-мактаб жамоаси ташаббусига келсак, уни оммалаштириш фойдадан холи эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббиёт соҳасини, хусусан, тиббий таълим тизимини модернизация қилиш ва замонавий талабларга мослаштириш бўйича кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тиббиёт

Президентимизнинг тегishiли қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти негизда Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Бу қарор нафақат тиббиёт олий таълим муассасаларини бир-бирига мазмунан боғлаш, балки улардаги мавжуд ресурслар — уникал кампуслар, замонавий инфратузилма, илмий ва педагогик салоҳият, илмий мактабларни йириклаштириш орқали халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Хоҳлаймизми-йўқми, зарур шарт-шароит ва қулайликлар ҳар қандай соҳа ривожига, қолаверса, кадрлар салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатади. Худди шундай тиббиёт соҳасида ҳам. Кадрлар ҳақида гап кетганда эса бу жуда муҳим.

Шу маънода, бугун тиббий таълимни ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали ва амалий компетенцияларга эга бўлган янги авлод тиббиёт кадрларини тайёрлаш учун қулайликлар мавжуд.

Замонавий ўқув аудиториялари, робот-симуляторлар ва фантомлар билан жиҳозланган ўқув-симуляция марказлари, юқори

технологик асбоб-ускуналарга эга ўқув ҳамда илмий лабораториялари, электрон таълим платформалари ва илғор хорижий тажрибаларга асосланган ўқув дастурлари ва таълим технологиялари тиббиёт олийгоҳлари талабаларига юқори сифатли билим олиш имконини беради.

Шунингдек, таълим жараёнида инновацион технологиялар, илғор педагогик усуллар ҳамда халқаро таълим стандартлари кенг қўлланилиши ушбу йўналишдаги олий таълим муассасалари битирувчиларини нафақат юртимизда, балки дунё микёсида рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Ислохотлар натижаси сифатида пойтахтимизда ўтказилган “Битирувчи — 2025” тантанали маросими Ўзбекистон тиббий таълими тарихида муҳим воқеа бўлди. Мазкур тадбирда тиббий таълимнинг 14 та йўналиши бўйича ўқишни битирган 4 минг нафарга яқин битирувчи ёшлар тиббиёт ходими қасамёдини қабул қилиб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида хизмат қилишга бел боғлашмоқда.

Бу йилги битирувчилар нафақат назарий касбий билим, балки инновацион технология, профилактик тиббиёт, тиббий сугурта, илмий-амалий билим ва кенг қўлмали замонавий компетенцияларга эга тиббиётнинг халқаро стандартлари шаклларида жавоб берадиган, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

тайёр мутахассислар сифатида соғлиқни сақлаш тизимига қадам қўймоқда. Зеро, бугун тиббиёт ходими электрон тиббий харита юритиш, телемедицина ва бошқа рақамли платформалардан фойдаланиш каби замонавий рақамли технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича билимлар билан қуролланган, тиббий сугурта тизимининг замонавий талабларини ўрганиб, аҳолига хизмат кўрсатишда ундан фойдалана олиши, тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ечими қартилган тадқиқотлар олиб бориш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Тошкент давлат тиббиёт университети таълим жараёнида талабаларда ана шундай билим ва кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Университет таълим дас-

турлари хорижлик экспертларни жалб қилган ҳолда тақомиллаштирилиб, халқаро тиббий таълим стандартларига мослаштирилди. Бунда компетенцияларга асосланган таълим тизимига устуворлик берилган.

Талабалар назарий билимлар билан бирга амалий кўникмаларини эгаллашга, инновацион технологиялардан фойдаланишга ва тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммоларга ечим топишга ўргатилади. Уларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш учун замонавий ўқув-симуляция марказлари ва юқори технологияли ўқув лабораторияларидан фойдаланади. Улар ёрдамида талабалар таълим жараёнида реал тиббий вазиятларни моделлаштириш орқали таххис қўйиш, даволаш, касалликларнинг олдини олиш ва беморлар билан мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Шунингдек, мазкур битирувчилар бир йил давомида ўзининг

доимий яшаш ҳудудида жойлашган бирламчи тиббиёт муассасаларида амалиёт ўтади. Ушбу амалиёт давомида улар муҳим тажриба орттириб, ўзининг назарий билимларини реал клиник амалиётда қўллаш, беморлар билан мулоқот қилиш, замонавий таххис усулларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллади. Ушбу тизим талабаларга таълимни амалиёт билан бирга олиб бориш имкониятини яратди.

Бундан ташқари, университетимиз мамлакатимизнинг етакчи тиббиёт марказлари, клиникалари ва муассасалари билан яқин ҳамкорликка ишлаб, ўз клиник амалиёт базаларига эга. Уларда олиб бориладиган машгулотлар талабаларга амалий тажриба орттириш, замонавий тиббий усуллар билан ишлаш, амалий кўникмаларни шакллантириш ва тиббий жараёнларни чуқур ўрганиш имконини беради. Назария ҳамда амалиётнинг бундай уйғунлиги битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини юксалтирди ва уларни соғлиқни сақлаш тизимида мустақил фаолият юритишга тайёрлайди.

Энди улар ўз касбий салоҳиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мустақамлаган, англиклари ўзлаштиришга тайёр, креатив ҳамда мустақил фикрлайдиган, тиббиёт соҳасида олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга, нафақат юртимизда, балки халқаро меҳнат бозоридида ҳам юқори талабга эга бўла оладиган янги авлод мутахассислари бўлиб шаклланди.

Шухрат БОЙМУРДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ МАХСУС МУКОФОТ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Малайзия халқаро ислом университети қошидаги Ислот тафаккури ва цивилизацияси институтида ёшларга таълим бериш, илмий ишларни амалга ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшган бир гуруҳ ходимлар ва ҳамкорларни тақдирлаш — “Такрим 2025” маросими бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон



Эътиборлиси, мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси халқаро шериклиқни ривожлантириш ва институт томонидан амалга оширилаётган фаолиятни қўллаб-қувватлашга қўшаётган ҳиссаси учун мазкур муассасанинг “Махсус эътироф” мукофоти билан тақдирланди.

Маросимда сўзга чиққан институт директори, профессор Абдулазиз Бергүт Ўзбекистон элчихонасининг ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдаги яқин кўмагини эътироф этар экан, жумладан, шундай деди: “Элчихона томонидан кўрсатилаётган кўмак туфайли институт жамоаси Ўзбекистондаги Ислот цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан яқин алоқаларни ўрнатишга муваффақ бўлди ва бу жараён фалол давом этмоқда. Шунингдек, ҳамкорлик натижаси ўлароқ Ўзбекистон тупроғида туғилиб ўсган буюк аллома Абу Райҳон Бериуний қаламига мансуб астрономияга оид 1197 йилда қўйрилган “Ат-Тафҳим” асарининг қадимги қўлёзмасининг факси-

мил нусхасини Ўзбекистондаги Ислот цивилизацияси маркази кутубхонасига тақдим этдик”. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг жорий йил февраль ойида Малайзияга олий даражадаги ташрифи давомида ҳар икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида 50 дан ортиқ ўзаро ҳамкорлик ҳужжатларининг имзолангани, томонлар ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга юқори истак мавжудлигини кўрсатгани таъкидланди. Хорижлик олим мазкур ҳужжатлар, албатта, амалиётга татбиқ этилиши ва ҳамкорликни янада юқори поғонага олиб чиқишга ишонч билдирмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Халқаро ислом тафаккури ва цивилизацияси институти 1987 йилда Малайзия халқаро ислом университети қошида аспирантура илмий ўқув муассасаси сифатида ташкил этилган. Унда ислом цивилизациясига бағишланган қиёсий ва маданий тадқиқотлар олиб борилиб, малакали илмий ходимлар тайёрланади.

«Дунё» АА.
Қулола-Лумпур

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

БОЛАЛАРДА ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Ўлкамизда ҳар куни қуёш қулган, ҳароратли ёз фасли бошланди. Бу фаслда ўқув йилини яқунлаб мактабдан таътилга чиққан болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш долзарб масалалардан бирига айланади.

Ўзги таътил — 2025

Тўғри, бу пайтда ҳамма ўғил-қизлар ҳам бўш қолмайди. Уларнинг аксарияти ёзги дам олиш масканларига кетишса, баъзилари умумтаълим муассасаларида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар ва майдончаларга қатнайди. Яна кимдир юртимизнинг тоғли ҳудудларида, сўлим гўшаларида яшайдиган қариндошлари, яқинлариникида таътил кунларини мароқли ўтказиши.

Лекин ёзда на меҳмонга, на оромгоҳларга борадиган ёшлар ҳам кўп. Улар бўш вақтдан унумли фойдаланиб, билим ва маҳоратларини янада бойитишни, қизиқишларига мос машгулотлар билан шуғулланишни исташади. Мана шундай ўғил-қизларга мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият юритаётган “Баркамол авлод” болалар мактаблари қўл келади.

Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган “Баркамол авлод” болалар мактаблари ҳозирги кунда мактабдан ташқари таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш, касб-ҳунарга йўналиштириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан уюштирилган видеоселектор йиғилишида ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш чора-тадбирлари ҳам белгилан-

ди. Мутасаддиларга ўғил-қизларни ёзда оромгоҳлар ва фойдали машгулотларга жалб этиш, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва санъат кечалари ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бўжа туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактабидида ҳам ҳозирги кунда кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 июндан 30 августгача “Долзарб 90 кунлик” эълон қилиниб, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўриляпти.

Ўқувчиларнинг замонавий билимларни эгаллашлари учун мактабда робототехника, ментал арифметика, спорт, санъат, арт дизайн, ахборот технологиялари, ҳунармандчилик ва қўл меҳнати, туризм ва экология, олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов, хорижий тиллар бўйича тўғарақлар очилган. STEAM (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — муҳандислик, Art — санъат, Mathematics — математика) таълим дастури тўғарақлар мазмунига сингдирилган.

Бу ерда келажагимиз эгалари нафақат мактабда олган билимларини янада мустақамламоқда, балки истеъдоди, қобилиятларини чархлаб, ижтимоий кўникмаларини ҳам юксалтириляпти.

Глобаллашган бугунги дунёда онгу қалбга қаратилган ғоявий таҳдидлар макон ва замон чегаралари бемалол ошиб ўтмоқда. Ҳар биримизнинг кўнглимизга, шууримизга хуруж қилмоқда. “Ешларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти” деган гап бежиз эмас. Чиркин мақсадли кучлар мурғак

қалб соҳибларини айнан бўш вақтида ўз тўрига илтиртишга ҳаракат қилади. Шу боис фарзандларимизнинг бўш вақтини сифатли ташкил этиш уларга ҳаётда тўғри йўлни, жамиятда муносиб ўрнини топишига қўмаклашади. Жумладан, мусиқа, расм, спорт, театр тўғарақларига мунтазам қатнашиши уларнинг ички истеъдодини аниқлаш ва ривожлантириш имконини беради. Болаларнинг бўш вақтини мақсадли ва фойдали фаолиятларга сарфлаши уларни ёмон одатлар ҳамда қилиб муҳитдан узоқлаштиради. Тўғарақлар ва гуруҳ фаолиятлари орқали бола жамоа билан ишлаш, мулоқот қилиш, етакчилик ва ҳамкорлик каби кўникмаларни ўрганади.

Бирор соҳада муваффақиятга эришган болада ишонч пайдо бўлади. Бу эса унинг умумий руҳий ҳолати ва шахсий ўсишига ижобий таъсир қилади. Мактабдан ташқари таълим болаларга келажақдаги касбини танлашда ёрдам беради. Масалан, техник тўғарақларда қатнашган бола муҳандисликка қизиқиши мумкин. Фольклор, миллий анъаналар, адабиёт ва санъатга оид машгулотлар болаларда ватанпарварлик, миллий гурур, одоб-ахлоқ, сабр-тоқат, матонат ва жасорат туйғуларини тарбиялайди.

Мактабимизга ота-оналар истаган вақтда келиб, фарзанди тўғарақларда қандай иштирок этаётганини, бўш вақтида қайси юмушлар билан банд бўлаётганини қузатиши мумкин. Бу ота-оналарга ҳам фарзандининг истеъдоди, қизиқишлари, орзу-истаклари, мақсадлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиш имконини яратди.

Шу маънода, мактабдан ташқари таълим боланинг ҳар жиҳатдан мукаммал шаклланишида муҳим роль ўйнайди. У нафақат таълимни, балки тарбияни ҳам ўз ичига олади. Турли йўналишдаги машгулотлар болажонларимизнинг қизиқишларини аниқлаб, қайси касбини танлашдан қатъи назар, ҳунар ўрганишига қўмаклашиб келмоқда.

Гулҳебра ИБРОҲИМОВА,
Бўжа туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби услубчиси.



Диёра Келдиёрова — IJF Атлетлар комиссияси аъзолигига номзод

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида давом этаётган жаҳон чемпионати доирасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) Атлетлар комиссияси аъзолиги учун сайлов ўтказилишини эълон қилди.



Эътиборлиси, номзодлар қаторида “Париж — 2024” Олимпия ўйинлари ғолиби, ҳамюртимиз Диёра Келдиёрова номи ҳам қайд этилган бўлиб, у Дарья Билонид (Украина), Рёносукке Хага (Япония), Натан Кас (Австралия) ва Кейтлин Куадрос (Бразилия) билан Ат-

летлар комиссияси аъзолиги учун кураш олиб боради. Шу кунларда сайлов жараёни бошланган бўлиб, аккредитациядан ўтган мутахассис ва комиссия аъзолари номзодларга овоз бермоқда. Сайлов натижалари чемпионат якунида эълон қилинади.

Стол тенниси: қитъа биринчилигига саноқли кунлар қолди

Тошкент шаҳри стол тенниси бўйича яна бир халқаро турнир мезбонлик қилади.



Гап шундаки, 26 июнь — 2 июль кунлари “Хумо арена”да “U15” ва “U19” ёшли спортчилар ўртаси-

даги Осиё чемпионати ташкил этилади. Мазкур турнирда Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Эрон, Қозғистон каби 22 давлатдан 400 нафардан ортиқ ёш стол тенниси усталари баҳс олиб боради.

Айни пайтда спортчиларимиз баҳсларга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Қиличбозлик: Фернанда Эррера — Осиё чемпионати совриндори

Индонезиянинг Бали шаҳрида қиличбозлик бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Кеча Ўзбекистон терма жамоаси мусобақадаги дастлабки медални қўлга киритди.



Аёллар ўртасида сабля дастурида кечган беллашувларда ҳамюртимиз Фернанда Эррера бронза медали соҳибига айланади. Спортчимиз финал йўлланмаси учун кечган мурасасиз баҳсда “Париж — 2024” Олимпия ўйинлари совриндори япониялик Мисаки Эмурага 13:15 ҳисобида имкониятни бой берди.

Қайд этиш жоизки, қозғистонлик Айгерим Сарибай билан кечган чорак финал беллашувида 8:14 ҳисоби қайд этилаётган пайтда Эррера ажойиб камбек амалга ошириб, якунда 15:14 ҳисобида ғалабани илб кетди.

«Халқ сўзи».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси институтнинг Шошилинь педиатрия, ҳалокат тиббиёти кафедраси мудир, профессор Алишер Шариповга онаси **Башорат ая ШАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳридаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ахборот технологиялари йўналиши бўйича таянч мактаб этиб белгиланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқоли олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган тақвиятлар жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмутовга томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислот Қаримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.30 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6